

# МУГАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҮ



ISSN 2181-7138

№ 1/1 2022 жыл

## Илимий-методикалық журнал

**Редактор:**  
*A. Тилегенов*

**Редколлегия ағзалары:**  
Максет АЙЫМБЕТОВ  
Нафмет АЙЫМБЕТОВ  
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ  
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ  
Алишер АЛЛАМУРАТОВ  
Дилшодхұжа АЙТБАЕВ  
Өсербай ӘЛЕҮОВ  
Аскар ДЖУМАШЕВ  
Кеңесбай Даулетяров  
Гүлнара ЖУМАШЕВА  
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ  
Амангелди КАМАЛОВ  
Гулмира КАРЛЫБАЕВА  
Асқарбай НИЯЗОВ  
Сабит НУРЖАНОВ  
Уролбой МИРСАНОВ  
Арзы ПАЗЫЛОВ  
Зухра СЕЙТОВА  
Айдын СУЛТАНОВА  
Тажибай УТЕБАЕВ  
Ризамат ШОДИЕВ  
Ойбахор ШАМИЕВА  
Бекзод ХОДЖАЕВ  
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ  
Гулрухсor ЭРГАШЕВА

**Шөлкемлестириўшилер:**  
**Қарақалпақстан Республикасы**  
**Халық билимлендіриў**  
**Министрлігі, ӨЗПИИИ**  
**Қарақалпақстан филиалы**

**Өзбекстан Республикасы**  
**Министрлөр Кабинети**  
**жанындағы Жокарғы**  
**Аттестация Комиссиясы**  
**Президиумының 25.10.2007**  
**жыл (№138) қаравы менен**  
**дизимге алынды**

**Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм**  
**хабар агентлиги тәрепинен**  
**2007-жылы 14-февральдан дизимге**  
**алынды №01-044-санлы гүйалық**  
**берилген.**

**Мәнзил:** Нөкис қаласы,  
Ерназар Алакөз көшеси №54  
**Тел.:** 224-23-00  
**e-mail:** uzniipnkkf@mail.uz,  
mugallim-pednauk@mail.uz  
[www.mugallim-uziksiz-bilim.uz](http://www.mugallim-uziksiz-bilim.uz)

Журналга келген мақалаларға жоюшап қайтарылмайды, журналда жәрияланған мақалалардан алынған үзиндер «Мугаллим ҳәм үзликсиз билимлендіриү» журналынан алынды, дең көрсетилүү шарт. Журналға 5-6 бет колемндеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифттінде электрон версиясы менен бирге қабыл етіледи. Мақалада көлтирилген мәлімдемелер автор жүзуапкер.

# МАЗМУНЫ

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>Рахмонов А.Р.</b> Оилада фарзанд тарбиясини йўлга қўйиш асосида миллий ватанпварлик туйгусини шакллантириш .....	4
<b>Шерматов М.Н.</b> Ўқитувчи педагогик маҳорати ва компетентлик .....	7
<b>Якубова М.Ю.</b> Умумталим мактаблари ўқувчиларида креативликни шакллантириш .....	11
<b>Байметов М.М.</b> Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари интеграциясини таъминлашнинг дидактик тамойиллари .....	14
<b>Балтабоев С. А., Сатторов В.Н.</b> Тарабалар мустақил ишлашини илмий ташкил килиш ...	18
<b>Караев В.Ш., Маматкулова З.С.</b> Ўқитувчиларнинг қасбий компетентлигини аниқлаш ва баҳолаш .....	21
<b>Сайдолова М.Х.</b> Инновацион педагогик технологиялар асосида ўқитини - талабаларда умумкасбий билим ва кўнникмаларни ривожлантириш омили .....	25
<b>Нурматов Ф.А.</b> Таълимнинг мактаб тизимида валеологик тарбияни муаммолари .....	30
<b>Турсунов А.Э.</b> Ҳарбий таълим технологиясининг педагогик асослари .....	32
<b>Халмухamedова М.А.</b> Нақшбандия тариқати илмий мероси орқали талабаларнинг маънавиятини ошириш .....	36
<b>Хамидов Ж.А.</b> Ўқувчиларни креатив тадқиқотчилик ва қасбий кўнникмаларни танқидий фикрлаш орқали ривожлантириш .....	39
<b>Чориев И.Р.</b> Специфика процесса подготовки в современной системе повышения квалификации .....	44

## МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲЭМ РУЎХӢЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

<b>Анкабаев Р.Т., Ибрагимов Х.Х.</b> Тўғарак машғулотларида халқ амалий безак санъати ривожининг педагогик муаммолари тарихидан .....	48
---	----

## ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

<b>Абдуллаева М.С.</b> Ўқувчилар қасб – хунар кўнникмаларини ривожлантиришда робототехниканинг ўрни .....	52
<b>Лухманов Д.Б.</b> Баркамол авлод болалар мактабларида робототехника, меҳатроника, муҳандислик тўғаракларини кластер технологиялари асосида ташкил этиш .....	56

## БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТҶАҲОН

<b>Шермуҳамедов Р.С.</b> “Баркамол авлод” болалар мактабларида тўғараклар фаолиятини ташкил этишининг инновацион технологиялари .....	62
<b>Юсупбаева А.С.</b> Бошлангич синф ўқувчиларини жисмоний ривожланишида харакатли ўйинларни ташкил этиш .....	67

## ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲӘМ СПОРТ

<b>Sultonov Z.S.</b> Maktabda jismoniy tarbiya darslarini o'tkazish xususiyatlari .....	72
<b>Абдулахатов А.Р., Нигматуллаева Д.Р.</b> Голиб ва маглуб курашчилар мусобақа олди рухий ҳолати ва техник-тактик маҳорат даражасининг ўзаро алоқадорлиги .....	75
<b>Абдулахатов А.Р., Қулбулов Ф.Н.</b> Спорт умуминсоний қадрият ҳамда тарбия воситаси сифатида .....	80
<b>Болтаев Ш.Э.</b> Ёш волейболчиларни инновацион ёндашув асосида машгулот жараёнини ташкил этиш .....	87
<b>Худойберганов Ж.С.</b> Кураш миллий спорт турини янада оммалаштириш ва ривожлантириш .....	92
<b>Жұмаев А.Т., Турдиеv Ф.А.</b> Башлангич синф ўқувчиларida ҳаракатли ўйинларни кластер усулда олиб бориш .....	95
<b>Зокиров У.М., Абдуна孜арова З.А.</b> Актив ва пассив туризм турлари оркали ўқувчи ёшларнинг жисмоний фаoliyatlарини ривожлантириш .....	100
<b>Зокиров У.М., Назаров Ф.И.</b> Ёш волейболчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш .....	103
<b>Абдулахатов А.Р., Зулхайдаров Ж.А.</b> Профессионал футболчиларни жисмоний тайёргарлиги бўйича моделлаштириши месъёрлари .....	106
<b>Одилов О.Н.</b> Жисмоний тарбия таълими жараёнинда талабаларда экологик маданиятини ривожлантириш ижтимоий-педагогик зарурият .....	110
<b>Султонов А.И.</b> Йиллик тайёргарлик циклида эркин курашчиларни машгулот жараёнини ташкил этиш .....	114
<b>Умаралиева Д.У., Тошқувватов О.А.</b> Умумий ўрта таълим мактабининиг 7-8 синф ўқувчиларини спорт ўйинлари оркали жисмоний тайёргарликларини ривожлантириш .....	118
<b>Хабибуллаев С.Х., Джурабоеva D.</b> Мини футбол бўйича мусобакаларни ўтказишида мусобақа коидаларининг аҳамияти .....	122
<b>Шадиев А.Ё.</b> Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг тезкор-куч сифатларини амалиётта татбиқ этиш .....	125
<b>Утепбергенов А.К., Шукурллаев Ж.М.</b> Волейбол спорт тури воситасида мактаб ўқувчиларida жисмоний сифатларни ривожлантириша ақмеологик ёндашув .....	128
<b>Зуфаров Т.У.</b> Организация и методы подвижных игр для физического развития детей дошкольного возраста .....	132
<b>Маматкулов Р.С.</b> Значение кластерного метода в развитии физического воспитания студентов с использованием легкоатлетических упражнений .....	136
<b>Маматкулов Р.С.</b> Значение спортивно-оздоровительного кластера в подготовительной части уроках гимнастики .....	140

This article examines the identification and assessment of teachers' professional competencies. In addition, general competencies and specialized competencies are analyzed.

## ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ЎҚИТИШ - ТАЛАБАЛАРДА УМУМКАСБИЙ БИЛИМ ВА КҮНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ

Сайдова М.Х.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти “Спорт ва чақириқчача ҳарбий таълим” факультети “Технологик таълим” кафедраси ўқитувчиси

**Таяинч сўзлар:** ахборот-коммуникация технологиялари, ахборот ресурслари, инновацион технологиилар, инновацион жараён, муаммоли таълим, интерфаол таълим.

**Ключевые слова:** информационные и коммуникационные технологии, информационные ресурсы, инновационные технологии, инновационный процесс, проблемное обучение, интерактивное обучение.

**Key words:** information and communication technologies, information resources, innovative technologies, innovation process, problem learning, interactive learning.

Замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, ўқитишининг илғор услубларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодни касб-хунарга ўргатиш, керакли билим ва кўнікмаларга эга мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, ҳамда бунинг негизида уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуклари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари учун имкониятлар яратиш мақсадида таълим тизимида ўқитишининг замонавий технологиялари, усулларини яратиш ва ўкув жараёнига жорий этиши масалалари бутунгиг куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Шу боисдан, таълим тизимида инновацион технологияларни қўллашга бўлган қизиқиши, эътибор кун сайин кучайиб бормоқда. Бундай бўлишнинг сабабларидан бири шу вақтгача таълим мақсадлари талаба ёшларни фақат тайёр билимларни ўзлаштириб олишга қаратилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўzlари қидириб топишларига, хатто хulosаларни ҳам ўzlари келтириб чиқаришларига ўргатади.

Инновацион технологиялар педагогик жараёнда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгартиришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда интерфаол методлардан фойдаланишни тақозо этади.

Интерфаол усуллар таълим жараёнида қатнашётган ҳар бир талабанинг фаоллигига, эркин ва мустақил фикр юритишига асосланади. Бу усуллардан фойдаланганда билим олиш талаба учун қизиқарли машғулотга айланади. Интерфаол усуллар кўлланилганда талабалар ўқитувчилар ёрдами ва ҳамкорлигига мустақил ишлаш кўнікма ва малакаларига эга бўладилар. Талабалар янги билимларни илмий излашиши, тадқиқотчилик, тажриба-синовлар ўтказиш асосида ўзлаштирадилар. Илм оркали билим олиш тамойилига амал килинади. Таълим жараёни қатнашчилари кичик гурухларга бўлинган ҳолда ишлашади. Ўкув топшириклари алоҳида бир талабага эмас, балки кичик гурухнинг барча аъзоларига берилади. Микрогурухларнинг ҳар бир аъзоси топширикни бажаришда ўз хиссасини қўшишга харакат киласди. Бу ҳолат талабаларда жамоа туйғусини шакллантиради ва уларнинг ташаббускорлигини ортириади. Таълим жараёнини ташкил этишининг асосий шакли дарсdir.

Хозирги пайтда дарснинг хилма-хил ноанъянавий шакллари жорий этилмоқда. Бундай дарслар талабабининг изходий қобилиятини ўстириш, ақлий салоҳиятини кучайтириш, илмий дунёкарашини кенгайтириш ва ҳар бир янгиликни тез ва тўла қабул кила олиш кўнимка ва малакаларини таркиб топтиради.

Дарс жараёнинда инновацион технологияларни кўллаш талабаларда илмий изланишга қизиқишни уйғотади, изжодкорлик ва бунёдкорлик қобилиятини ривожлантиради. Натижада эгалланган билим, кўнимка ва малакалар амалий фаолиятда татбик этилади, ўзлаштириш сифати ошади. Бунинг учун ўқитувчи маҳоратли бўлиши ва мавзуларнинг мазмунига қараб дарсни тўғри режалаштириши, машгулот давомида барча талабаларни фаол ва онгли ишлашларига эришмоғи лозим.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги замонавий таълим тизими сўнгти йилларда шу соҳада олиб борилган улкан ўзгаришларнинг самарасиdir. Шу нутқтаи назардан караганда, таълим олиш бугунги кундаги жамият ижтимоий ҳаётининг бир қисми бўлигина қолмай, балки унинг ривожланишидаги муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Чунки келажак авлодни тарбиялашда таълимнинг ўрни ҳал қиуловчи ўринлардан бири эканлиги барчага маълум.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида таълим тизимига кўплаб илғор инновацион технологиялар кириб келди. Энг аввало талабалар пассив тингловчи ва кўчириб олувчи шахслардан дарс жараёнинда фаол иштирок этувчи шахсларга айлантирилди. Бунда уларнинг ўз ақлий лаёқатлари дарражасини намоён қилиш имконияти очиб берилди. Аввалги вактларда таълимнинг вазифаси кишиларда билимларни, кўникмаларни, информацион ва ижтимоий хусусиятларни шакллантириши ҳамда шахсларнинг жамиятдаги шароитларга мослашишидан иборат бўлган “ҳаётга тайёрлаш”дан иборат бўлган. Хозирги пайтда эса таълим шахсларда жамият ва шахсий манфаатлар орасидаги мувозанатни вужудга келтирувчи таъсир механизmlарни ишлаб чиқишига, шахсларнинг ўзларини такомиллаштириб бориши ва ҳаётда ўз ўрнини топиб, жамиятда самарали меҳнат қилиш йўлларини ўргатишига йўналтирилмоқда. Кўпчилик таълим муассасалари ўз фаолиятига янги замонавий элементларни жорий қилишни бошлади, бироқ бундай ўзгаришлар тезда ривожланишга бўлган талаб ва педагогларнинг бу талабни қондира олмасликлари натижасида кийинчилклар юзага келди. Таълим муассасаларини ривожлантириш учун “янги”, “янгилик”, “инновация”, “инновацион жараён” каби биринчи кўришда содда, лекин аслида мураккаб бўлган тушунчаларни ўзлаштириш зарур.

Авваллари инновацион масалалар фақат иқтисодий томонлама кўриб чиқилган. Бироқ вакт ўтиши билан инновацион лойиҳаларнинг сифатини баҳолаш лозимлиги маълум бўлди. Инновацион технологиялар билан боғлик бўлган педагогик муаммоларни ҳал қилиш таълим соҳасидаги мавжуд муаммоларни таҳлил қилишга боғлик.

Шундай қилиб, инновацион фаолият таълим-тарбия жараёнинда талаба ва ўқитувчини ҳамкорга айлантиради. Дарсни қизиқарли ва самарали бўлишини таъминлайди.

Ўзбекистонда мустакилликдан сўнг инновация бошқа соҳаларга қараганда биринчилардан бўлиб таълим тизимига кириб келди ва инновацияни таълим жараёнинда қандай ўз аксини топганилгини таълим мазмунида, ўқитиш методларида, дарс шакли, ўқитиш турлари, ўқитиш воситаларида кўришимиз мумкин.

- таълим мазмунига инновация анъянавий, ноанъянавий ва масоғавий ўқитиш турларининг кириб келиши билан изоҳланади.
- ўқитиш методларига инновация актив, пассив ва интерактив методларининг кириб келиши мисолида кўрамиз. Актив методни кўллаш

талабаларни дарс жараёндаги фаолигини оширишга хизмат кылса, пассив метод талабаларни бир томонлама тушунча берилиши билан изохланади. Интерактив метод эса биргаликда фаол ҳаракат қилиши (үқитувчи билан талаба, талаба билан талаба) тушунилади.

- дарс шаклига инновацияни кириб келишини стандарт, ностандарт ҳамда вертуал дарс шакллари мисолида кўришимиз мумкин.
  - ўқитиши турларидаги инновацияни муаммоли таълим, эвристик таълим, даражаланган таълим, интеграцияланган таълим, интерфаол таълим, информал таълим, расмий таълим, норасмий таълим турлари билан изохланади.
  - ўқитиши воситаларига инновацияни кириб келишини дарс жараёнда мультимедиа, электрон доскалар ва бошқа воситалар билан изохлаймиз.
  - ўқитиши методларидағи инновацияни кўйидагиларда кўришимиз мумкин;
1. Актив метод. Бу метод талабаларни дарс жараёнда фаоллашувига, маълум бир ҳолат ва воқеликга нисбатан фикрлашга-мулоҳаза юритишига ундейди.
  2. Пассив метод. Бу метод дарс жараёнда талабаларда ўрганилаётган мавзу бўйича бир томонлама тушунча ҳосил бўлишига олиб келади.

3. Интерактив метод. Бу методнинг мақсади дарс жараёнда ўқитувчи ва талабаларни биргалиқдаги фаол ҳатти-ҳаракатларига асосланади.

Дарс шаклида инновация кўйидаги шаклда кўришимиз мумкин:

- а) Стандарт дарс – дарс ичидаги структура ўзгармайди.
- б) Ностандарт дарс – дарс ичидаги структура ўзгаради.
- в) Вертуал дарс - яни масоффадан ўқитиши.

Инновация жараёни таркибий тузилмалар ва конуниятларни қамраб олган тизимдан иборатдир. Кўйида унинг асосий қонуниятлари кўрсатилган: янгиликни яратиш, таълимий фаолиятни таҳлил этиш ва ўзгаришларга эҳтаёжи, янгиликни лойиҳалаш, янгиликни тажрибада синааб кўриш, баҳолаш.

“Инновация” тушунчаси лотин тилидан таржима қилинганда “янгиланиш, янгилик ёки ўзгариш” деган маъноларни беради. Бу тушунча или бор XIX асрдаги тадқиқотларда кўлланилган ва бир маданиятнинг айрим элементларини бошқа маданиятга тадбиқ килишни англанган. XX аср бошларида янги таълим соҳаси — инноватика, яъни жорий килинган янгиликлар хакидаги фан юзага келди. Унинг вазифасига саноат ишлаб чиқариш жараённи тадбиқ килинган техник янгиликлар конуниятларини ўрганиш киритилган. Педагогик инновацион жараёнларни ўрганиш ўтган асрнинг 50-йилларида бошланган.

Таснифлаш белгиларига кўра инновациялар бир неча турларга бўлиниади.

1. Фаолият турига кўра: педагогик инновациялари (педагогик жараённи таъминлайди) ва бошқарув инновациялари (бошқарув тизимини такомиллаштиради).

2. Киритиладиган ўзгаришлар ҳарактерига кўра: радикал инновациялари (батамон янги ғоялар ва ёндашувга асосланган), комбинатор инновациялар (маълум бўлган элементларнинг янги биримларни) ва модификацияловчи инновациялар (тегишли шакл ва намуналар такомиллаштирилади ва тўлдирилади).

3. Киритиладиган ўзгаришларнинг масштабига кўра: локал инновациялар (компонентларнинг ўзаро боғлиқ бўлмаган алоҳида ўзгаришлари), модулли инновациялар (ўзаро боғлиқ бўлган бир неча локал инновациялари гурӯхи) ва тизимли инновациялар (бутун тизимнинг тўлиқ қайта тузилиши).

4. Амалга оширилиш ёки жорий қилиш соҳасига кўра: таълим мазмунида, таълим технологияларида, таълим тизимининг тарбиявий функциялари доирасида,

таълим жараёни иштирокчиларининг ўзаро алоқалари тузилишида, педагогик воситалар тизимида ва ҳоказо.

5. Келиб чиқиш манбаига қўра: ташқи (таълим тизимидан ташқарида) ва ички (таълим тизими ичидаги ишлаб чиқилади).

Юқоридагиларга асосланаб, инновацияларни лойихалашда асосий қонуниятни кўриш мумкин: инновацияларнинг даражаси қанчалик юкори бўлса, инновацион жараённи илмий асосланган ҳолда бошқариш учун ҳам шунчалик катта талаблар кўйилади.

Замонавий таълимни амалга оширишда ўқув фанлари бўйича янги ахборот технологияларининг тез ва қулай фойдаланиш имконини берувчи турларидан ҳар бир талаба ва ўқитувчи эркин фойдалана оладиган шароит яратишдан иборат. Ҳозирда сифатли таълим бериш учун анъанавий иккита томон — талаба-ўқитувчига зарур ахборотларни етказиб турувчи хизматдан иборат учинчи томон фаолиятини ташкил килиши зарур.

Бу йўналиш ахборот технологияларини таълим-тарбия жараённига жорий килиш йўналиши деб номланади. Шу ахборотларни талабалар тушуна оладиган мантиқий шаклларда ифодалаш талаба билан ўқитувчининг вербал мулоқотини ташкил киласди.

Буни куйидаги схема шаклида ифодалаш мумкин: ахборот, у ҳакида билим, мантиқ, сўз ва нутқ, дунёкараш, мафкура.

Бу схемадан таълим жараённида ҳар бир ахборотни ўқитувчи ўзлаштирган даражада, унинг мантиқий тафаккурига, нуткий қобилиятларига, дунёкараши ва мафкурасига мувофиқ равишда баён қилиниши кўриниб турибди.

Инновацион педагогик жараённинг муҳим унсурлари шахснинг ўз-ўзини бошқариши ва ўзини- ўзи сафарбар қила олиши ҳисобланади. Унинг энг муҳим йўналишларидан бири талабаларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш. Бундай йўналиш талабаларнинг ўқув ишларини фаоллаштириш, уларнинг қасбий ихтисослашишини аниқлаб олиш фаоллигини ўз ичига олади.

Ўқитувчининг инновацион фаолиятини самарали амалга ошириш бир қатор шарт-шароитларга боғлик. Үнга ўқитувчининг тайинли мулоқоти акс фикрларга нисбатан беғараз муносабат, турли ҳолатларда рационал вазиятнинг тан олинишини ўқтиришга тайёрлиги киради. Бунинг натижасида ўқитувчи ўз билим ва илмий фаолиятини таъминлайдиган кенг қамровли мавзу (мотив)га эга бўлади.

Ўқитувчи фаолиятида ўз-ўзини фаоллаштириш, ўз ижодкорлиги, ўз-ўзини билиши ва яратувчилиги мавзу (мотив)лар муҳим аҳамият қасб этади. Бу эса ўқитувчи шахснинг креативлигини шакллантириш имкониятини беради.

Янгилик киритишнинг муҳим шарти мулоқотнинг янги вазиятини түғдиришdir. Мулоқотнинг янги вазияти - бу ўқитувчининг ўз мустақиллик мавқеини, дунёга, педагогик фан, ўзига бўлган янги муносабатни яратга олиш қобилиятидир. Ўқитувчи ўз нуктаи назарларига ўралашиб қолмайди, у педагогик тажрибаларнинг бой шакллари орқали очилиб, мукаммаллашиб боради. Бундай вазиятларда ўқитувчининг фикрлари усуслари, аклий маданияти ўзгариб боради, хиссий туйгулари ривожланади.

Кейинги шарти - бу ўқитувчининг маданияти ва мулоқотга шайлиги.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти воқеликни ўзгартиришга, унинг муаммолари ва усусларини ечишни аниқлашга қаратилгандир.

Үқитувчи ва талаба ўртасидаги мулоқот намунасининг ўзгариши инновацион фаолият шартларидан биридир.

Янги муносабатлар анъаналарда бўлганидек, қистовлар, хукмга бўйсуниш каби унсурлардан холи бўлиши лозим. Улар тенгларнинг ҳамкорлиги, ўзаро бошқарилиши, ўзаро ёрдам шаклида курилган бўлиши даркор. Улар муносабатларидаги энг муҳим хусусияти бу ўқитувчи ва ўкувчининг ижоддаги ҳамкорлигидир.

Инновацион фаолият кўйидаги асосий функциялар билан изоҳланади:

- қасбий фаолиятнинг онгли таҳлили;
- меъёрларга нисбатан танқидий ёндашув;
- қасбий янгиликларга нисбатан шайлик;
- дунёга ижодий яратувчилик муносабатида бўлиши;
- ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ўз турмуш тарзи ва интилишларини қасбий фаолиятида мужассам килиш.

Демак, ўқитувчи янги педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчisi, тадқиқотчиси, фойдаланувчisi ва тарғиботчиси сифатида намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, инновацион таълим бўлажак мутахассисни янгича шароитларда ишлашга тайёрловчи жараён бўлиб, у олдинги олган билимлари асосида таълимни такомиллаштиришга самарали янгича ёндашув қилишдан иборатдир. Инновацион таълимнинг асосий мақсади таълим беришда юкори самарадорликни ва ижобий сифат кўрсаткичларини эгалашнинг методикасини яратиш. Бунда илғор педагогик ва ахборот технологиялари ва ҳоказолар асосий манбалар бўлиб ҳисобланади.

#### Адабиётлар:

1. Илғор педагогик технология нима ва уни қандай қилиб ўкув жараёнида қўллаш мумкин. -Ma’rifat nigar газетаси, 20 сентябр 2007 йил.
2. Ишимхамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорligини ошириш ўйлари. -Тошкент, 2006.
3. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. - Тошкент, 2005.
4. Пардаев М.Қ. Иктисадиётта оид фанларни янги педагогик технология методларини қўллаб ўқитиш. -Самарканд, 2007.
5. Садриддинзода Ш.Ж., Эшмуродов М.Ш. Педагогик технологиялар ва улардан фойдаланиш курси бўйича маъruzalar тўплами. -Самарканд, 2007.

#### РЕЗЮМЕ

Мазкур маколада бўлажак мутахассисларни тайёрлашда инновацион педагогик технологиялар асосида ўқитиш талabalarda умумкасбий билим ва кўнникмаларни ривожлантириш омиллари изоҳланган. Талабаларга таълим беришда таълим сифатини юкори самарадорлигини ва ижобий сифат кўрсаткичларини оширишининг методикаси ва таркибий қисмлари асослаб ўтилган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье раскрываются факторы развития общепрофессиональных знаний и умений при обучении студентов на основе инновационных педагогических технологий в подготовке будущих специалистов. Обоснованы методика и компоненты повышения эффективности качества обучения и положительных качественных показателей в обучении студентов.

#### SUMMARY

The article reveals the factors of development of general professional knowledge and skills in teaching students on the basis of innovative pedagogical technologies in training future specialists. The methodology and components of improving the effectiveness of the quality of education and positive quality indicators in teaching students have been substantiated.